

Асли исми Мухаммад Шариф бўлиб, Узлат (Узлатий), Махжур, Нодир (Нодирий), Шариф (Шарифий) тахаллуслари билан ўзбек ва тожик тилларида ижод этган бу шоир Кўкон адабий мухитидаги сўз санъаткорлари каторига киради.

Шоир Узлат хаётига доир айрим маълумотлар шоирнинг ўз асарларида ва Фазлийнинг «Мажмуаи шоирон» тазкирасида учрайди.

Мухаммад Шариф Узлат 1752—1758 йилларда Косон кишлогида тугилган. У кексайган чогида Умархон хонлигининг сўнгги йилларида Кўконга кўчиб борган ва у ерда хам умр бўйи моддий мухтожликда яшаган.

Фазлий ўз тазкирасида Узлат истеъдодли шоир, каввидшунос олим, машхур хаттот, фозил бў'лишига карамай, баҳтсиз киши бўлганлигини, кайд этиб ўтган.

Бизгача мазкур шоирнинг халқпарварлик, адолат, мухабbat, вафодорлик, сахийлик, халоллик каби гояларни тарғиб этувчи «Хафт гулшан» достони ва такдирнинг шумлигидан, ижтимоий тенгсизликдан шикоят, баҳтсиз севги аламларидан зорланиш, инсоний фазилатларни улуглаш, кишига ва табиат гўзалликларига мухабbat, турли ижтимоий тоифаларга муносабат сингари мотивлар куйланган шеърларидан тузилган девонлари етиб келган. 1962 йилда Узлатнинг асли ватани — Косондан топилган ўзбекча ва форсча девони (инв. №693) ва шу девоннинг нотўлик Наманган нусхаси хам Кўкон адабиёт музейи фондида сакланмоқда.

ГАЗАЛЛАР

* * *

Бутмас эрмиш хажр тигидин багирнинг ёраси,
Жуз висоли мархамидин йўқтур онинг чораси.

Эй фалак, инсоф бирла айлагил холимга раҳм,
Ишк зулмидин бўлуб кўнгул жаҳон оввораси.

Чарх уза хар ён кўрунган тун аро анжум эмас,
Катралар сочти ёшимдин кўзларим фаввораси.

Демагил гам дашти узра очилибдур лолалар,
Ул жигардур хажр захридин тўкулган пораси.

Тутма кўз харгиз фалакдин сурати бехбудлик,
Холатим этти дигаргун событу сайёраси.

Гул каби окти хаёлим гулшани сахнига кон,
Жон бошига тегди гам отлигни санги хораси.

Ишк келди мен сори кўзлаб мухабbat тогидин,
Айлади Узлат каби бечоранинг бечораси.

* * *

Келурга ваъда килиб, ахдига вафоламади,
Кўзум йўли уза котти-ю, ошноламади.

Гаму алам била хажрида кўп жафо чектим,
Кўнгулга рохати дийдорини раволамади.

Таним фирокини тарёки айлади бемор,
Лабини шарбати эхсонидин даволамади.

Бошима сочти фалак тунда хажр туфрогин,
Кўзини учи била холима кароламади.

Гулига булбули гулшанда айлади нола,
Вале менинг каби шому сахар наволамади.

Маишат уйида шод ўлмади ики хамдам,
Замона бир-биридан охири жудоламади.

Фирок меҳнати мундог катик экан, Узлат,
На деб висоли аро жонини фидоламади.

* * *

Анингдек бир париваш хусн гулзорида кам эрмиш,
Малоҳат кишварида орази боги Эрам эрмиш.

Мени кайфиятим яхши-ёмонин васлу хажридин,
Ёзарга орази лавхи уза коши калам эрмиш.

Ичарман рашқдин хар тун май ўрнига багир коним,
Анинг базми аро агер, баским, муҳтарам эрмиш.

Кўрунгай ёрсиз маҳфил аро сингон сафоледек,
Ичарга май кадах ўрнига гарчи жоми Жам эрмиш.

Парирўлар неча сарханг бирла май ичар сархуш,
Хамиша ишқ ахлига жаҳонда оху гам эрмиш.

Ўтар ўтган каби, хеч келмаганга гам еманг зинхор,
Тутунг эмди ганимат ушбу дамни, дам бу дам эрмиш.

Фалакдин шиква этма, изла, Узлат, гавхари максуд,
Хубобосо жаҳон баҳри уза ул хам адам эрмиш.

* * *

Солиб зийнат учун машшота зулф узра тарогини,
Күнгүл чоки била гул топмади сунбул сүрөгини.

Магар ёримни келгай деб тажаммул бирла бог ичра,
Чаман шохи ясаб гул жинсидин тухфа яргини.

Нигорим тунда базм айларга күнглиң айлади мойил,
Фалак анжумларидин ёндурур хар ён чарогини.

Вафо базмида май ўрнига ичмакдур юрак кони,
Итобу мастилик бирла нега очмас кабогини?

Висәли гулшанига орзу бирла кирай деъам,
Анинг хижрони бошимга қўторибдур таёгини.

Бу заъф ила висоли каъбасига етмогим мушкил.
Фироки дашти бирла на дейин йўлни узогини.

Билибон лола кочти дашт уза, гул багри кон бўлди,
Жафоси ўртаган Узлатни гамлик багри догини.

* * *

Сокиё, лутф айла, тўлдур бода бирла жомни,
То чикоргайман кўнгулдин кулфати айёмни.

Журъа нўш айлаб висоли орзуси базмида,
Мастиликдин билмагайман субх бирла шомни.

Хажр даштида этиб девоналигни ихтиёр,
Ташладим тандин либоси нанг бирла номни.

Жилвасини ёд этиб гулшан аро сиймобдек,
Топмадим харгиз кўнгулда сабр ила оромни.

Сув бериб ашким нами бирла вужудим богига
Кўзлари фикрида тиктим донаи бодомни.

Ишк даштини йўли гарчи узогу хам махуф,
Ёр васли каъбасига багладим эхромни.

Оlam ичра бу тириклик уйку эрмиш ё хаёл,
Тарк этгил, эй кўнгул, шоду гами авхомни.

Булбулосо нола эт, Узлат, күнгүлни богида
То сабо еткурса васли ёрдин пайгэмни.

* * *

Танга эди рухбахш лутфи такаллумлари,
Жонга түкүб шахдлар лабда табассумлари.

Хажрида куйган күнгүл нега фигон этмасун,
Шафкатидин күп эди манга тараахумлари.

Ишкида бўлдум адо, мён каби йўқ бенаво,
Кўз ёшим олдида кам баҳр талотумлари.

Тундаги фарёдима, хотири ношодима,
Йиглади ахволима чархни анжумлари.

Васли майи базмига эмди качон тенглашур,
Тўлса агар бодадин етти чалак хумлари.

Узлатийни нолада кўрса агар андалиб,
Солди хижолат аро созу тараннумлари.

* * *

Журъакашда йўқ тириклик бодаи гулфомсиз,
Лабларинг хижронида күнгүл эрур оромсиз.

Ой юзунг зулфунг каронгуси аро топмиш зиё,
Васл эрмас хажрсиз, хам субҳ эрмас шомсиз.

Эй кўнгул, холида зулфи кайдидин айла хазар,
Сахни олам мазраида дона йўктур домсиз.

То жафо чекмай качон коминг этар ширин мурод,
Мева топмас шахд нахли шохи узра хомсиз.

Бода канча талхдур, кайфияти бўлгай баланд,
Хуш кўрунмас ишк элига лаълидин дашномсиз.

Хуснни сultonисан, меҳрингни сол ушшокга,
Шоҳ йўқ, факт ахлига бўлса агар инъомсиз.

Васл изла, айла, Нодир, дарди хижронига сабр,
Етмагай матлабга хеч ким меҳнати айёмсиз.

* * *

Эй кошлари е, киприги ўк, кўзлари жаллод,
Ишк ахлигадур доим ишинг зулм ила бедод.

Гар мунтахаби дафтари хусн ўлмаса нечун
Тангри ики рухсоринг уза ёзди ики сод.

Лайли била Ширин санга хусн ичра канизе,
Ишкингда на нисбат манга Мажнун ила Фарход.

Лаълингни хаёлида на деб кетти ўзидин,
Жон жисм аро нашъаи май этмаса ижод.

Кабрим уза, эй шўх, каму лолалар унгай,
Ўлсам юзунг узра каро холингни этиб ёд.

Тангри санга бермогида маншури парилик,
Расволик учун ёзди манга хам хати иршод.

Фуркат чаманида кеча тонг откуча Нодир
Булбул каби гам кайдидадур нолага мўътод.

* * *

Коматингдек дахр боги ичра бир шамшод йўх,
Бўлса хам, лекин кадинг сарви каби озод йўх.

Подшохлар зулм ила ўз мулкин этгандек хароб,
Бир кўнгул илгингдин, эй бедодгар, обод йўх.

Гарчи чўхдур манга бенгзар гам чекан ушшэклар,
Хусн элида сен каби зулм этмога мўътод йўх.

Хажр аро холинг хаёли-ла кўнгулда додлар
Мунча накд ила менингдек сохиб истеъдод йўх.

Махфили гам ичра кон ичмакда мутриблар аро
Навха охангини мендек соз эдан устод йўх.

Сабр эт, кўп инжима, Нодир, жаҳон гулзорида
Бир гуле офат самуми этмаган барбод йўх.

* * *

Орази фикри куёшдек жон уйин нур айлади,

Жисмни васли хаёли байти маъмур айлади.

Гул юзидин жилва айларга кўтарди пардани,
Хотирим Мусо каби тан тогини Тур айлади.

Гунчадек жон ёр каддига осилди сарнигун,
Ишк дори сабрсиз кўнлумни Мансур айлади.

Бокмасун деб гулъузоримнинг куёш рухсорига,
Дуди охим рашқдин душман кўзин кўр айлади.

Бўлдилар хомуш гулшан кушлари, солиб кулог,
Ёрга ё тангри афгонимни манзур айлади.

Бурни кон бўлгай етимнинг оғзи етса эшга,
Чархнинг бедоди баҳтим суйини шўр айлади.

Солди хижрон жисмим узра лола янглиг додлар,
Васлидин бу толеи носоз Махжур айлади.

* * *

Кўзум кон ёшидин лола каби сахни жаҳон гулшан,
Бўлуб анжум каби охим ўтидин осмон гулшан.

Кўзумга кўй кадам, эй гул^{адан}, бу тун хаёл ичра
Сиришким кони бирла айладим таҳти равон гулшан.

Хирому ишва бирла, эй пари, бир лахза келсанг-чи,
Кўнгул эрмиш санга боги Эрам, бог ичра жон гулшан.

Бахор айёмида сайр айламокга жилва хангоми
Аёги панжасидин бог аро колди нишон гулшан.

Куёш янглиг кийиб гулгун, чикар деб хусн султони,
Хижалотдин кочиб киш кўйнига бўлди нихон гулшан.

Аёги колди лой ичра, бирини жисми кон бўлди,
Каду юзини чун сарв илилди имтихон гулшан.

Висоли базмини фикрида хар тун багри конидин
Килиб омода Махжури асири нотавон гулшан.

ЎЛАН

Үлан вазн ва кофия, хуруфи хижо била ёзилди.

Эй — алифдек коматинг сарви чаман ёр-ёр,
Хол лабинг кунжида мушки Хўтан, ёр-ёр,
Кўнглум аро кирпигинг бўлди тикан ёр-ёр,
Хажринг аро тортаман дарду михан ёр-ёр,
Хай-хай ўлан, жон ўлан, хурмат аро, ёр-ёр,
Мунча мени кўймагил фуркат аро, ёр-ёр.

Бе — бути Ширинлико жонга бало, ёр-ёр,
Эмди менинг холима килма жафо, ёр-ёр,
Айлагуман тобакай оху наво, ёр-ёр.
Гам ўтига солмогинг борму раво, ёр-ёр.
Хай-хай ўлан, жон ўлан, сарви равон, ёр-ёр,
Кўнглум этиб кумридек оху фигон, ёр-ёр.

Те — таним этти хароб дард ила гам, ёр-ёр,
Жонни халок айлади жавру ситам, ёр-ёр,
Ишк ўтидин хар замон тортам алам, ёр-ёр,
Васл тамошосидин айла карам, ёр-ёр,
Хай-хай ўлан, жон ўлан, файзи назар, ёр-ёр,
Огзинг аро тишларинг мавжи гухар, ёр-ёр.

Се — самари нахлижон-мехрувафо, ёр-ёр,
Дардим уза шафкатинг эрди даво, ёр-ёр,
Касрати ишкинг мани этти гадо, ёр-ёр,
Лаъл лабинг шарбати жонга шифо, ёр-ёр.
Хай-хай ўлан, жон ўлан, мохвашим, ёр-ёр,
Байти хазан кунжида дардкашим, ёр-ёр.

Жим — жигарим кон эди шому сахар, ёр-ёр,
Кўнглуми ахволидин айла хабар, ёр-ёр,
Охим этиб чархни зеру забар, ёр-ёр,
Бўлди манинг холатим тарзи дигар, ёр-ёр,
Хай-хай ўлан, жон ўлан, хурлико ёр-ёр,
Кўзгу каби оразинг эрди сафо, ёр-ёр.

Хе — харами жисм аро урди нихон, ёр-ёр,
Кирпик ўкин отгали коши камон, ёр-ёр,
Жон куши бўлган эмас хеч амон, ёр-ёр,
Лутфунг эрур жисмима рухи равон, ёр-ёр.
Хай-хай ўлан, жон ўлан, шамсу камар, ёр-ёр,
Санга качон ўшагай хайли башар, ёр-ёр.

Хе — хабаринг йўқ кўнгул хасратидин, ёр-ёр,
Солди фалак бошима меҳнатидин, ёр-ёр,

Тотиб эдим дарду гам шарбатидан, ёр-ёр,
Хай-хай ўлан, жон ўлан, каро кўзлук, ёр-ёр,
Тўти каби базм аро шакар сўзлук, ёр-ёр.

Дол — дамим ўтидин куйди жаҳон, ёр-ёр,
Ишрату айшим гули бўлди хазон, ёр-ёр,
Айласа бўлмас гамим шарху баён, ёр-ёр,
Айла такаллум манга, писта даҳон ёр-ёр.
Хай-хай ўлан, жон ўлан, хулки хушум, ёр-ёр.
Бир йўли кўруб юзинг, кетти хушум, ёр-ёр.

Зол — зиёд айлади волаларин, ёр-ёр,
Очти кўнгул додгин лолаларин, ёр-ёр,
Сочти кўзум ашқдин жолаларин, ёр-ёр,
Ёйди, жаҳонга тилим нолаларин, ёр-ёр,
Хай-хай ўлан, жон ўлан, сабз кабо, ёр-ёр,
Айламагил жонима мунча жафо, ёр-ёр.

Ре — рамазон ойидек топти шараф, ёр-ёр,
Лек куёш бўлмади анга тараф, ёр-ёр,
Гамза ўқига кўнгул бўлди хадаф, ёр-ёр,
Ишки ўти айлади жонни талаф, ёр-ёр,
Хай-хай ўлан, жон ўлан, бода ичар, ёр-ёр,
Коматига хурлар хулла бичар, ёр-ёр.

Зе — забару зер эрур чарху фалак, ёр-ёр,
Хуснингга ошик эрур хуру малак, ёр-ёр,
Хукмунга фармонпазир мургу самак, ёр-ёр,
Санга фидо айларам харна керак, ёр ёр,
Хай-хай ўлан, жон ўлан, кони хаё, ёр-ёр,
Эмди хамул ваъдага айла вафо, ёр-ёр.

Син — сафари саъдга яхши нафас, ёр-ёр,
Нока хиром этмоги савти жарас, ёр-ёр,
Бўлмади кўнгул куши банди кафас, ёр-ёр,
Хуррам ўлуб чарх уза етти хавас, ёр-ёр.
Хай-хай ўлан, жон ўлан, накши нигин, ёр-ёр,
Хасрат аро кон бўлуб нофай Чин, ёр-ёр.

Шин — шакарин лаблари Хизр суйи, ёр-ёр
Балки анинг рутбаси бўлди куйи, ёр-ёр,
Бўлди хижил хаттидин мушк бўйи, ёр-ёр,
Енди ўтум дудидин чарх уйи, ёр-ёр,
Хай-хай ўлан, жон ўлан ханда даҳан, ёр-ёр,
Икки лаби лутфдин барги суман, ёр-ёр.

Сод — сабохат юзи эрди күёш, ёр-ёр,
Охим ўти учкунни күкка тутуши, ёр-ёр,
Жонни халок айлади ул кора кош, ёр-ёр,
Күнглум ики күзига бўлди талош, ёр-ёр.
Хай-хай ўлан, жон ўлан, Лайли насаб, ёр-ёр.
Келки, жунунлук манга бўлди сабаб, ёр-ёр.

Зод — зиё айлади ўзларидин, ёр-ёр,
Томди шакар шарбати сўзларидин, ёр-ёр,
Тортти хижолат кийик кўзларидин, ёр-ёр,
Чикти саодат куни ўзларидин, ёр-ёр.
Хай—хай ўлан, жон ўлан, турфа чаман, ёр-ёр,
Оғзи аро тишлари дурри Адан, ёр-ёр.

Те — талаб йўлида хор кўнгул, ёр-ёр,
Васлга етмак учун зор кўнгул, ёр-ёр,
Килмади кўз ёшидин ор кўнгул, ёр-ёр,
Кўймадий фарёдидин тор кўнгул, ёр-ёр.
Хай-хай ўлан, жон ўлан, хирмани гул, ёр-ёр,
Зулфини куллобидин бўйнимга гул ёр-ёр.

Зе — зафар топти жон рохи билан, ёр-ёр,
Кош ичар бодами шохи билан, ёр-ёр,
Бўлса эди холадек мохи билан, ёр-ёр,
Ранги колур тобакай кохи билан, ёр-ёр.
Хай-хай ўлан, жон ўлан, рухфизо, ёр-ёр,
Хасратида барча эл бўлди гадо, ёр-ёр.

Айн — азиз айлаган тангри азал, ёр-ёр,
Лаъли такаллум аро канду асал, ёр-ёр,
Хуснунга топилмагай хеч халал, ёр-ёр,
Юсуфи соний санга бўлди масал, ёр-ёр.
Хай-хай ўлан, жон ўлан, шохи жаҳон ёр-ёр,
Фуркатида кўнглуми айлади кон ёр-ёр.

Гайн — гаминг ўртади жисм или жон, ёр-ёр,
Хажринг аро холатим бўлди ямон, ёр-ёр,
Ишк кўзум ашкини этти равон, ёр-ёр,
Шому сахар айларам оху фигон, ёр-ёр.
Хай-хай ўлан, жон ўлан, ширин-шакар, ёр-ёр,
Бўлди ўтимдин жаҳон зеру забар, ёр-ёр.

Фе — фалаки зулмгар иши жафо, ёр-ёр,
Хеч кишига этмади меҳру вафо, ёр-ёр,
Бир-биридан барчани килди жудо, ёр-ёр,
Кетти бу охим ўти сўйи само, ёр-ёр.

Хай-хай ўлан, жон ўлан, сохибкирон, ёр-ёр,
Багрими кон айлаган ошуби жон, ёр-ёр.

Коф — камар юзлугим жилва килиб, ёр-ёр,
Кетти ёлгузини ўтга солиб ёр-ёр,
Мунда мени ташлабон, кўнглум олиб, ёр-ёр,
Дарду гами ўртади, шавки колиб, ёр-ёр.
Хай-хай ўлан жон ўлан, ох нетай, ёр-ёр,
Ишк ўти дардидин кайдай, ёр-ёр.

Коф — каломинг сени кони карам, ёр-ёр,
Хусну малохатларинг боги Эрам, ёр-ёр,
Нолада кўнглум куши мурги харам, ёр-ёр,
Ишкда куймаклигим ёзди калам, ёр-ёр.
Хай-хай ўлан, жон ўлан, куйди кўнгул, ёр-ёр.
Лаъл лабинг холини суди кўнгул, ёр-ёр.

Лом — лабинг шарбати кавсар эмиш, ёр-ёр,
Огзинг аро тишларинг гавхар эмиш, ёр-ёр,
Хол юзинг богида анбар эмиш, ёр-ёр,
Анда саводи хатинг дафттар эмиш, ёр-ёр.
Хай-хай ўлан, жон ўлан, лола кабо, ёр-ёр,
Шавкинг ила тортаман савту наво, ёр-ёр.

Мим — мухаббатдин ул чашмаи гам, ёр-ёр,
Мавж аро селдек баҳри алам, ёр-ёр,
Йиглар ила дийдада колмади нам, ёр-ёр,
Борди кўнгул дард ила мулки адам, ёр-ёр.
Хай-хай ўлан, жон ўлан, хуш тарабинг, ёр-ёр,
Айлади кон багрими гунча лабинг, ёр-ёр.

Нун — на билур дардими олам эли, ёр-ёр,
Хеч сахар эсмади васл ели, ёр-ёр,
Оху наво нахлинни синди бели, ёр-ёр,
Жон кўшини нолада лол тили, ёр-ёр.
Хай-хай ўлан, жон ўлан, хусни куёш ёр-ёр,
Охим ўти чархга бўлди тутош, ёр-ёр.

Вов — вафо ахли йўқ икки жаҳон, ёр-ёр,
Онча талаб айладим яхши-ямон, ёр-ёр,
Барча паризодлар офати жон, ёр-ёр,
Хеч киши бу дарддин топмас амон, ёр-ёр.
Хай-хай ўлан, жон ўлан, Зухра жабин, ёр-ёр,
Бўлди кўнгул кушлари нола хазин, ёр-ёр.

Хе — хама ишк ўтидин бўлди фано, ёр-ёр,

Гарчи жахон шохидур этти гадо, ёр-ёр,
Булбул этиб гул учун савту наво, ёр-ёр,
Бошига ушшокни тушти бало, ёр-ёр,
Хай-хай ўлан, жон ўлан, шахду шакар, ёр-ёр,
Ишк ўтидин жонима хавфу хатар, ёр-ёр.

Ломалиф — лоладек догим очар, ёр-ёр,
Кўздаги кон ёшларим кўкка сочар, ёр-ёр,
Охим ўти дудидин барча кочар ёр-ёр,
Гунча сифат кўнглуми васли очар, ёр-ёр.
Хай-хай ўлан, жон ўлан, жон хаваси, ёр-ёр,
Сенсиз ўлуб чоклар тан кафаси, ёр-ёр.

Ё — юбориб номалар жон кушидин, ёр-ёр,
Келмади сўз лаълининг хомушидин, ёр-ёр,
Кўнглума (гам) юзлади туш-тушидин, ёр-ёр,
Езди бу Махжурким, бехушидин, ёр-ёр.
Хай-хай ўлан, жон ўлан, гамза назар, ёр-ёр,
Боди сабо васлдин берди хабар, ёр-ёр.